

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Ижро учун масъуллар
III. Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш				
10.	Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.	<p>1. Миллий кадрлар захирасига киритилган хотин-қизлар улушкини вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда худудлар кесимида таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлил натижалари асосида Миллий кадрлар захирасида салоҳиятли, фаол хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказиш чораларини кўриш.</p> <p>3. Раҳбарлик лавозимларига Миллий кадрлар захирасини шакллантириша аёл номзодларни инобатга олиш тизимини жорий этиш.</p>	<p>апрель</p> <p>сентябрь</p> <p>доимий</p>	<p>Жорий йилнинг 1-чораги давомида соғликни сақлаш вазирлиги тизимида ижтимоий-сиёсий фаол аёллардан иборат кадрлар захираси яратилди.</p> <p>Захирага олинган фаол хотин-қизлар ўртасида сиёсий ўқувларни ташкил этиш, уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш ва билимларини янада оширишга қаратилган қўйидаги мавзуларда 2 кунлик ўқувлар ташкил этилди:</p> <p>Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардаги иштироки;</p> <p>Сиёсий етакчи имижини шакллантириш технологиялари;</p> <p>Аёллар фаоллиги: реаллик ва юксалишнинг айрим муаммолари;</p> <p>Раҳбар ахлоқи ва ташкилот маданияти;</p> <p>Замонавий раҳбар аёлнинг социал қиёфаси;</p> <p>Фаол аёлларнинг қадриятлар шаклланишидаги иштироки;</p> <p>Жамоадаги психологияк мухит;</p> <p>Раҳбарнинг нотиқлик маҳоратини ошириш бўйича тренинглар.</p> <p>Шунингдек, тизим хотин-қизларини фаоллигини ошириш юзасидан муассасаларда 800 дан ортиқ аёллар иштирокида психолог ва социологларни</p>

				жалб қилган холда қуйидаги мавзуларда семина-тренинглар ташкил этилди: 1.Лидерлик; 3. Шахсий самарадорликни ошириш (self-менежмент); 4. Мулоқот психологияси ва самарадорлиги; 5. Вақтдан унумли фойдаланиш (8 соат); 6. Стресс ва стрессни бошқариш; 7. Қарор қабул қилиш.
11.	Хорижда кадрлар малакасини ошириш, уларнинг стажировкадан ўтишларини ташкил этиш. 	1. Ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан ўз тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари, илмий марказлари ва компанияларда малака ошириш (стажировка) ўтиш дастурларини ташкил этиш мақсадли буюртмасини шакллантириш ва «Эл-юрг умиди» жамғармасига тақдим этиш. 2. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мақсадли буюртмаси асосида хотин-қизларнинг хорижда малака ошириши ва стажировка ўтишини ташкил этиш.	апрель йил давомида	Жорий йил давомида 40 га яқин аёл масъул ходимлари Германия, Финляндия, Австрия, Нидерланды, Марокаш, Сингапур, Туркия, Венгрия, Грузия, Россия, Озарбайжон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби мамлакатларда мамлакатларда турли йўналишлар ҳамда лаборатория тизимини ривожлантириш борасида малака оширдилар.
12.	Хотин-қизларнинг халқаро миёсида давлат ҳамда ўзи фаолият юритаётган давлат органи ва ташкилоти номидан вакил бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш.	Дипломатик ваколатхоналарнинг дипломатик лавозимларига тайинлаш мақсадида алоҳида квота жорий этиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ахборот-таҳлилий хужжат тайёрлаш.	май	Вазирлик ходимлари бир қатор халқаро миёсидаги учрашув ва тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Жумдладан, жорий йил апрель оида Грузия давлатида ўтказилган “Юқумли касалликлар турини аниқлаш ва уларни бартараф этиш” масалаларига бағишлиланган учрашувда иштирок этиб,

			<p>Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасининг 10 та давлатида мамлакатлар дуч келадиган юқумли касалликлар хавфини олдини олиш, аниқлаш, жавоб бериш ва назорат қилиш бўйича ҳамкорлик ўрнатдилар.</p> <p>Учрашув якунлари бўйича АҚШ касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази CDC томонидан 2023 йилда юқумли касалликларни олдини олиш борасидаги 12 та лойиҳаси жалб қилинди.</p> <p>Ушбу мисолларни кўплаб келтириш мумкин.</p>	
13.	Хотин-қизлар учун давлат хизматига кириш жозибадорлиги ва иш режими қулайлигини ошириш.	1. Ҳудудларда қуидагиларни назарда тутувчи тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш: хотин-қизлар учун мослашувчан иш режимларини ташкил этиш; давлат хизматчилари фаолиятини масофавий ташкил этиш ҳамда уй шароитида масофавий ишлашга муҳтож бўлган салоҳиятли хотин-қизларни жалб этиш; хомиладорлик ва бола парваришида бўлган аёл ходимлар учун масофавий меҳнат фаолиятини кўрсатиш имкониятини яратиш. 2. Ўтказилган тажриба синов натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш.	<p>йил давомида</p> <p>май</p> <p>июль</p> <p>сентябрь</p> <p>октябрь</p>	<p>Соғликни сақлаш вазирлигига иш берувчилар томонидан ходимларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилиш, шунингдек ходимларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ишсизликдан ҳимоялаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.</p> <p>Тизимнинг ҳусусиятидан келиб чиқиб, ғар бир муассасада Иш берувчи томонидан иш вақти режимининг турли хил варианtlарини белгилаш механизmlари (сменали иш, мослашувчан иш режими, иш кунини қисмларга бўлиш ва бошқалар) жорий этилмоқда.</p> <p>Шунингдек, меҳнат муносабатлари, ходимларни қасбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айrim тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мунтазам равища</p>

				тегшли мутахассиларни жалб этган холда семинарлар ташкил этилмөлқда.
14.	Давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ва долзарб аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш.	<p>1. Республика ва маҳаллий даражадаги ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш ҳолатини ўрганиш.</p> <p>2. Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида давлат органлари ва ташкилотларида лавозимда кўтарилиш масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш мезонларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Квоталар ва ишга қабул қилиш талабларини кўриб чиқиш, аёллар учун лидерлик ва етакчилик салоҳиятини ошириш бўйича ички дастурларни йўлга кўйиш орқали давлат хизматчилари орасида аёллар улушкини ошириш.</p>	<p>июнь</p> <p>август</p> <p>йил давомида</p>	<p>“Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенциянинг Сув ва саломатлик муаммолари бўйича Баённомиси”га Ўзбекистон Республикасининг қўшилиш юзасидан Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Баённома тоза ичимлик суви билан етарли даражада таъминлаш ва сув ресурсларини бошқариш ва аҳоли саломатлиги ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш орқали санитария шароитларини яратиш учун аниқ қабул қилинган биринчи халқаро шартномадир.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциянинг Сув ва саломатлик муаммолари тўғрисидаги баённомасига қўшилиш орқали кўйидаги натижаларга эришилади, жумладан, Баённома сув таъминоти, санитария, гигиена ва соғлиқни сақлаш бўйича миллий мақсадларни белгилаш ва амалга ошириш, ичимлик суви сифатини мониторинг қилиш ва сув билан боғлиқ касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва назорат қилиш бўйича миллий салоҳиятни кучайтириш ва хавфсиз сув таъминотига эришиш учун маҳсус воситаларни тақдим этади.</p>

			<p>Сув орқали юқадиган касалликлар кўрсаткичини камайтириш, оналар ва болалар саломатлигини асраш, профилактик тадбирларни кенгайтириш ҳамда санитария ва гигиена хизматларини амалга оширишга қўмаклашади.</p> <p>Баённома Барқарор Тараққиёт Мақсадларининг 6-мақсадига (Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланиш)га эришишга ҳисса қўшади.</p> <p>Шунингдек, мамлакатда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш соҳасидаги вазиятни яхшилашга ўз хиссасини қўшади.</p>
--	--	--	---

IV. Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соглиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

18.	Хотин-қизлар ва эркакларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш.	1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жойлардаги вакиллари томонидан давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда маҳалла, олий ўкув юртлари талабалари, мактаб битириувчилари орасида тарғибот ишларини олиб бориш.	йил давомида	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида оиласвий шифокор, акушер гинеколог, шошилинч тез тиббий ёрдам шифокорлари, патронаж ҳамшираларнинг малакасини ошириш бўйича ўкув дастурлари ишлаб чиқилди ва ўкувлар ўрнатилган тартиб асосида амалга оширилмоқда.
		2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, нодавлат, нотижорат ташкилотлари эксперталари билан ҳамкорликда стандарт операцион иш тартиблари (СОТ)ни ишлаб чиқиш.	апрель	Шунингдек, АҚШ касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказлари (CDC) ходимларнинг малакасини оширишга қаратилган лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда.
		3. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида ўкув дастурларини ишлаб чиқиш ва	алоҳида жадвал асосида	Жумладан, Frontline FETP- уч ойлик малака ошириш курсларида касалликларни қузатиш ва эпидемияга қарши курашиш борасида фаолият юритаетган

	оилавий шифокор, акушер гинеколог, шошилинч тез тиббий ёрдам шифокорлари, патронаж ҳамшираларнинг малакасини ошириш.		эпидемиологларнинг 50 нафари (шундан 10 нафар тренерлар) мухим кўникмалари Тошкент тиббиёт академияси негизида ривожлантирилди. Шунингдек 4 нафар мутахассислар Амалий эпидемиология дастури (FETP) CDC/CAR бўйича эълон қилинган 2 йиллик магистратура йўналишида ғолибликни кўлга киритди ва Қозогистоннинг С.Асфендияров номидаги Миллий тиббиёт университети негизида ўқитилмоқда.
--	--	--	---

VI. Тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

29.	Зўравонлик содир этилган ва нотинч оиласлардаги зўравонлик содир этишга мойил (агрессор) бўлган шахсларнинг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича ҳамда нотинч оиласларда улар аъзоларининг зўравонликнинг олдини олиш бўйича маҳсус психокоррекция дастурларидан ўташни жорий қилиш.	Малакали психологлар иштироқида ва хорижий тажрибани ўрганиш асосида зўравонлик содир этишга мойил (агрессор) бўлган шахсларда агрессияни камайтириш ва ғазабни бошқариш орқали хулқ-атворини ўзгартириш бўйича психокоррекция, реабилитация тадбирларни ўз ичига олган маҳсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.	йил давомида	Маҳаллаларда нотинч оиласлардаги зўравонлик содир этишга мойил (агрессор) бўлган шахсларнинг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича ўтказилаётган тузатиш тадбирларида жойлардаги Тиббий хизмат кўрсатиш имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Бугунги кунга қадар 113 нафар фуқаролар билан тузатиш ишлари ҳамкорликда олиб борилди.
-----	---	---	--------------	--